

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

Ўзбекистон  
1991-2007  
йилларда

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик- акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди.

## Соғлиқни сақлашга замонавий ёндашув



Қарши туманидаги қишлоқ врачлик пункти лаборанти Дилбар Жўраева

### Тиббиёт истиқболлари



Замонавий КВП биналаридан бири

**Бир пайтлар беморга тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш фақатгина шаҳар марказларидагина қониқарли деб ҳисобланарди. Республикаимизнинг чекка-чекка ҳудудларида эса бемор одам бир неча чақирим масофани босиб, машина ёллаб, не машаққатлар билан марказ шифохоналарига етказиларди. Қишлоқларда мавжуд бўлган касалхоналардаги шарт-шароитлар, ишдан чиққан жиҳозлар ва турли хил таъхир қўядиган аппаратларнинг йўқлиги ҳақида-ку айтмасам ҳам бўлади.**

Ҳозир эса ҳар бир қишлоқ врачлик пункти қошида тез тиббий ёрдам шохобчаси очилганлиги, унинг тасарруфидаги машиналарнинг ҳамма жиҳозлар билан таъминланганлиги мустақиллик тиббиётини ҳам тўл ўзгаришлар олиб келётганидан далолатдир.

(Давоми 2-саҳифада)

## Мулоқотдан мақсад – тажриба алмашиш

**Андижон вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда водий фермер хўжалиқлари раҳбарларининг «Мамлакат қишлоқ хўжалиги ўзгаришларининг 16 йилги мобайнида: натижалар ва олдинда турган вазифалар» мавзусидаги илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.**

Унда таъкидландики, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг асоси фермерчилик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада қабул қилинган Қонулар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-

рувчи фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор фермерлар учун кўрсатилаётган маданий узевилигидан далолатдир.

Анжуманда қўмита раиси Ф.Алиев қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб масалалар хусусида сўз юритар экан:

### Анжуман

қишлоқда амалга оширилаётган ислохотлар боис мулкдорлар синфи шаклланиб, ер эгаларининг омилкорлиги, тадбиркорлиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳажмлари йилдан-йилга ортиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, яна эътироф этилдики, ҳуқуқ ва бурчлари қону билан муҳофазаланган фермерлар айна вақтда қишлоқда янги ишчи ўринлари яратилишига байроқдорлари бўлишаётир. Банкларнинг молиявий мадади туфайли сўнгги йилларнинг ўзида биргина Андижон вилоятидаги фермерларнинг сая-ҳаракатлари билан 10 минг 116 та янги ишчи

ўринлари яратилди.

Илмий-амалий семинар қатнашчилари Асака туманидаги Хорун Ар-Расул фермер хўжалигида амалга оширилётган ишлар билан батафсил танишдилар. Бу ерда жорий этилган томчилатиб сугориш технологияси, айниқса иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Янгиликнинг натижаси ўларок, маҳсулот етиштириш учун сув ва минерал ўғит сарфи кескин камайиб, маҳсулот ҳажми эса йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу усулда деҳқончилик қилишга ўтаётган фермерлар сафининг кенгайиб бораётганлиги эса, албатта, ўз самарасини беради.

Кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган анжуман иштирокчиларга нафақат тажриба алмашиш, балки ютуқ ва камчиликлар хусусида мулоҳаза билдириш, олдинда турган вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

Илмий-амалий семинар ишида вилоят ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**  
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.  
Андижон вилояти

## ТАДБИРКОРЛИК ТАКОМИЛИ

**Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сөрвиз соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шартини янада яхшилашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

Сирдарё вилоятида жорий йилнинг тўхуз ойида савдо 13,4, транспорт 9,6, коммунал ва маиший хизматлар 12,8 фоизга ўсди. Савдо дўконлари, пойабзал таъмирлаш, тикувчилик шеви, саратрохона, суратхона, ҳаммом сингари 300 га яқин маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди.

Ховослик хусусий тадбиркор Давлатбек Эсонбоев тикувчилик шежини очиб, ўттиз нафар хотин-қизини доимий иш билан таъминлади.

**Сирдарё вилояти** (ЎзА)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида**

**Фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек республика аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш мақсадида:**

1. Қуйидагилар 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

республика аҳолиси, даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида уларни ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сарф-ҳаражатларини камайитириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларининг сановат миқосида ишлаб чиқарилишини таъминлаш, энг аввало, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш учун уларни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини амалга ошириш.

2. «Ўзфармасаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, фармацевтика тармоғи корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури маъқуллансин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

2007-2011 йиллардаги даврда фармацевтика сановати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсади параметрлари 1-иловага мувофиқ;

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари ҳамда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция тақлифлари рўйхати 2 ва 3-иловаларга мувофиқ.

«Ўзфармасаноат» ДАК бошқаруви раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммаларига фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсади прогноз параметрлари тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзфармасаноат» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини яхшилаш, уларнинг аҳолига, биринчи навбатда пенсионерлар, ногиронлар ва қаришлар учун мақбул нархларда ишлаб чиқарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берган ҳолда, чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

аҳолига ҳамда даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари ходимларига маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг турлари тўғрисида мунтазам ва тизимли асосда ахборот бериб борилишини, шунингдек маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг хар йилги савдо-ярмаркалари ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» АК билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига бўлган талабни ўрганишга йўналтирилган маркетинг сисбатини доимий асосда олиб боришни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларини сановат миқосида ишлаб чиқаришни таъминлаш учун уларни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар ўтказсин ва инновация ишланмаларини яратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган препаратлар ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олган ҳолда 2008-2011 йилларда республика даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолисини таъминлаш учун зарур бўлган дори воситалари ҳажми ва турларини аниқлаш мақсадида даволаш стандартларининг тизимлаштирилишини яқунласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Қосимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 19 ноябрь



## Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинди

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2007 йил 16 ноябрдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан топширилган ҳужжатларни кўриб чиқди.**

Қонунда белгиланган муддатда ўтказилган текширув натижаларига кўра, ишчи гуруҳлари тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мослиги хусусида ўз хулосаларини берди. Марказий сайлов комиссиясининг мазкур мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; «Адолат» социал-демократик партиясида — Дилорам Гафурджанова Ташмухамедова, 1938 йилда туғилган, «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; сайловчилар ташаббускор гуруҳидан — Акмал Холматович Саидов, 1958 йилда туғилган, партиясииз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтидан, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг

раиси; Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида — Ислам Абдуғаниевич Каримов, 1938 йилда туғилган, партиясииз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг олинган номзодлар гуруҳи раиси; Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилган.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон Фидокорлар миллий-

демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур бўлган миқдордаги имзоларини тўплай олмади ва ушбу партиялар бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилди. Мазкур ахборот инobatта олингани кайд этилди.

19 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

Мирзоулубек Абдусаломов журналистларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида муҳожама этилган масалалар — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш, уларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти бошланганлиги ҳақида маълум қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига асосан, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳига бунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 14 ва 28-моддаларига биноан, Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрда қарор қабул қилган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

# Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинди

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ешлар" теле ҳамда радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдони дастурлари билан чиқишлари жадвали, шунингдек, "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" республика газеталарида номзодларнинг таржимаи холи ва сайловдони дастурларини чоп этиш жадвалини тасдиқлади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишни ёритиш, сайловдони ташвиқоти аналга оширишга доир тадбирлар белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловчиларга ўз сайловдони дастурларининг асосий қондаларини етказиш бўйича тенг шароит яратиш мақсадида ҳар ҳафта радио ва телевидениеда тенг эфир вақти берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг сайловдони дастурлари, сайловчилар билан учрашувлари ҳақида туркум видео ва радиороликлар, теле ҳамда радиодураштурушларни эфирга мунтазам узатиш режалаштирилди. Номзодларнинг илтимосларига биноан, уларга тенг шароитда исталган ҳақмида қўшимча бепул эфир вақти берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатган ҳар бир сиёсий партия ўз матбуот органига эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳи учун ҳам тенг имконият яратиш мақсадида сайловдони ташвиқоти учун мусоиси нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳисобланган "Жамият" газетасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Брифингда оммавий ахборот воситаларида сайловдони ташвиқоти аналга ошириш учун тенг шароитлар тасоийли партия нашлари ва "Жамият" газетасига жорий этилмаслиги қайд қилинди. Улар ўзлари зарур деб ҳисоблаган ҳақмидаги тегишли материални чоп этиш ҳуқуқига эгадир.

Брифинг иштирокчиларига, шунингдек, 2000 ва 2004 йиллардаги сайловларни ўтказиш тажрибаси ҳамда ташкил этилган сайлов участкалари сонини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар таржимаи холи ва сайловдони дастурлари акс этган тегишли плакат ва рисоаларнинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида чоп этилиши ҳақида маълумот берилди.

Брифингда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдони ташвиқоти билан боғлиқ барча сарф-харажатлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан, давлат маблағлари ҳисобидан аналга оширилди.

(ЎзА)



Мирзачўл туманидаги "Ўзбекистон" сувдан фойданувчилар уюшмаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқлари шудорлаш ишларини жадал олиб бормоқдалар. Ҳозиргача 1200 гектардан зиёд ер сифати шудор қилинди. Қолган далаларда ҳам тўртта ҳайдов тракторидан унумли фойдаланилмоқда.

СУРАТДА: "Элтоев Сафар" фермер хўжалиги раҳбари Сафар Элтоев ва иш юритувчи Фарход Қодиров.

Жиззах вилояти

Келдиёр ЖҲРАҚУЛОВ олган сурат.

# Соғлиқни сақлашга замонавий ёндашу

(Боши 1-саҳифада)



— Вилоятимизда 252 та қишлоқ врачлик пункти бўлиб, унинг 118 таси янгидан махсус қурилган. 134 таси эса қайтадан ташкил этилиб, қишлоқ врачлик пунктига айлантирилган. Бунинг учун Республика тез-тиббий шохлиқин ёрдам марказининг вилоят филиали қайта таъмиринга 520 миллион сўм, ҳар бир тумандаги филиал бўлимлари учун 80 миллион сўмдан 120 миллион сўмгача маблағ сарфланди, — дейди биз билан суҳбатда Қашқадарь вилоти Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Мейли ХУСАНОВ.

чора-тадбирлар нималардан иборат?

— Ўзбекистон ҳукумати билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги битимларга мувофиқ "Саломатлик-2", "Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" лойиҳаси бўйича Нишон туманида 60 миллион сўм, Ғузор туманида 35 миллион сўм, Чироқчи туманида 41 миллион сўм маблағ сарфланиб, таъмирлаш ишлари ниятисига ўтказилди. Касби туманида туғруқ муассасаси таъмири учун 40 миллион сўм маблағ сарфланди.

Оналар ва болалар ўлимининг камайтириш мақсадида 152 нафар шифокор ва ҳамширалар, туғруқ мажмуаларида фаолият кўрсатаётган 33 нафар неонатологлар ЮНИСЕФ қўмағида "Чақалоқлар реанимацияси" ҳамда "Соғлом ва бемор чақалоқларни парваришлаш" мавзусида малакаларини оширилди. Вилоятимиздаги 5 та туғруқ мажмуалари ЮНИСЕФнинг "Бола-ларга дўстона муносабатиди" шифохона сертификатини қўлга киритдилар.

Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, тиббий қўриқдан ўтказиш сифатини такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар аналга оширилди. Биргина шу йилнинг ўзида 15 минг 753 нафар никоҳдан ўтувчи шахслар тиббий қўриқдан ўтказилди. Натижада, улардан баъзи бирлари стационар шароитда соғломлаштирилди.

Вилоятда 9880 нафар болаликдан ногиронлар мавжуд бўлиб, ўтган ойларида уларнинг барчаси тиббий қўриқдан ўтказилди. Германиялик мутахассислар томонидан аналга оналар ва болалар шифохонасида 45 нафар бола соғломлаштирилди. Қарши шаҳар стоматология шифохонасида 14 нафар туғма нуқсонли бўлган бемор болаларга жарроҳликнинг пластик усули қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар бош кардиохорохи Бобур Солиев иштироклада туғма юрак нуқсонлари билан ногиронлик ҳисобиди турадиган болалар вилоят болалар шифохонасида тиббий қўриқдан ўтказилди. Натижада, ногирон бола-

ларга консерватив даволанишни давом эттириш уларни жарроҳлик амал-лаёти билан соғломлаштириш тўғрисида тавсиялар берилди.

Ўз навбатида, СПИДга қарши текширишлар ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Бир марталик шприц ишлатиш бу соҳада катта самара берапти. Қўйўтал, бўғма, қизамиқ, шол, чечак каби юқумли ва вирусли касалликлар батамом тугатилди. Скрининг марказлари фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Туғилаётган болаларда туғма нуқсонлар олдиндан аниқланипти. Фенилкетонурия, туғма гепатиреоз касалликларини аниқлаш она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш йўлидаги муҳим қадамдир.

— Кадрлар катта куч. Бунинг тиббиётдаги салоҳиятини суи билан ифода қилиш мумкин, албатта...

— Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш доимий назоратимизда турибди. 2004 йилдан эътиборан шу бугунги кунгача 52 нафар шифокор хорижда ўз малакасини оширди. Республика тез тиббий ёрдам шохлиқинч марказининг вилоят филиали реаниматология бўлими шифокори Урол Маминов Туркияда бўлиб, замонавий тиббиётнинг энг сўнгги янгиликлари билан танишиб, амалда қўлламоқда. 25 нафар шифокоримиз Москвадаги тез ёрдам шохлиқинч илмий марказида малака ошириш курсида ўз билми ва тажрибасини оширди. Шунингдек, қўллаб тиббиётимиз филолилари Украинанинг Киев, Харьков шаҳарларидаги клиникаларида замонавий тиббиётнинг ютуқларидан хабардор бўлишиб, малака ошириб қайтидилар.

Шу йилнинг октябр ойида Россия Федерациясининг Сибирь тиббиёт академияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоладик. Унга би-

ноан вилоят Соғлиқни сақлаш Бошқармаси тавсияси билан талабар жўнатилди. Шифокорларнинг клиник ординатура, аспирантура, докторантурада бўлиш билан бирга, хил жарроҳлик операцияларини бўғалиқда ўтказиб, тиббиётимизни энг муҳим соҳаларига бағишланган илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш билан ҳамкорликда орнитолог ва кардио жарроҳлик бўлимлари ташкил қилиш мумкин. Бу соҳада Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ҳокимлигининг амалдорлари билан ҳамкорликда қўриқ хисобидида, ушбу академиянинг малака академиясида бўлиб қайтидан навабатида, ушбу академиянинг малака ошириш институти илмий иш-



Қишлоқ аҳолиси билан суҳбат

бўйича проректори, профессор Елена Тимошина, электропульс заводи директори Александр Кострикин, Томск кардиология илмий-тектириш институти директори, академики Ростислав Карповларнинг вилоятимизда бўлиши кутулапти.

...Шифокорлар, профлактори санаторий ва бошқа даволаш маскаларида бўлганимизда инсон саломлиги ҳамма нарсадан ҳам устун эканлигини ҳис қилдик.

Ха, ҳақиқатан ҳам бахт, энг аввало соғлиқ демекдир.

Хусан ТЕМИРОВ  
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири

## Рўзғор баракаси

Тўрақўрғондаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларидан бирига Шукрулло Икромов бошчилиқ қилмоқда. Касб-кори ветврач бўлган Шукрулло биринчилардан бўлиб шу соҳага қўл урган. Ҳозир унинг тасарруфиди 81 бош қорамол бор. Дастлабки уч йилда унинг озуқа майдони йўқ эди, ҳозир бу мақсад учун 20 гектар ер ажратилган.

Фермер қорамол бош сонини сақлаган ҳолда қўйчиликни йўлга қўйишга астойдил бел боғлаган. Ихтиёрдаги 40 бош қўйни ун баробар қўпайтириб, камиди 400 бошга етказмоқчи.

— Чорва — тирик жон, унинг қабилини олган мулкдорга бир дақиқа тимим йўқ. — дейди "Алишер" фермер хўжалиги раҳбари Шукрулло Икромов. — Ҳамма ишни ўзим назорат қиламан, шундай бўлмаса, даромаддан ҳам, махсулотдан ҳам барака кетиб қолади.

Ш.Икромов фермер хўжалиғида ишлаётган ўнга яқин ишчининг ҳам яшаш тарзи билан қизиқди.

— Ушларнинг оиласи тинч, рўзғори бут бўлсагина, фермер хўжалиғимизнинг иши яхши бўлади, — дейди у.

Наманган вилояти

Рустамжон УММАТОВ

## YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

### Бангладешда мудохил офат

Бангладешда минглаб аҳолининг умрига зомин бўлган табиий офат юз берди.



Мамлакат жаҳон бўйи-Ғарбий худудига ёпирилган "Сидр" тропик тўфони оқибатида 3 минг нафар одам қурбон бўлган. Маҳаллий ахборот воситалари маълумотича, ҳалок бўлганлар сони 10 минг нафардан ошиб кетиши ҳам мумкин. Соатига 200 километр тезликда эсанган 20 миллион нафар аҳолини бошпанасиз қолдирган. Қидирув-қутқарув ишларини аналга оширишда Бангладеш ҳукумати жаҳон ҳамжамиятидан ёрдам сўраган.

Бу каби мудохил оқибатларни келтириб чиқарувчи тўфон Бангладеш тарихида қўллаб қузелтилади. Шундай табиий офат туғайли 1970 йилда ярим миллион, 1991 йилда эса 150 мингга яқин бангладешлик ҳаётдан кўз юмган.

### Сайлов мuddати аниқ

Покистон президенти Первез Мушарраф парламент сайловлари санасини эълон қилди.



Хабарларга кўра, парламент сайловлари 2008 йилнинг 8 январидида ўтказилади. Бирок президент сайлов даврида фарқлода ҳолда бекор қилиниши ёки йўқлиги тўғрисида маълум қилинмаган.

Шу йилнинг 3 ноябрь кунини давлат раҳбари мамлакатда террорчилик хуружи авж олиб бораётгани сабабли фарқлода ҳолат эълон қилиб конституция ҳаракатини тўхтатиб қўйган эди. Шундан сўнг парламент сайловлари номаълум мuddатга ортга суртилганди.

# Ўғфур ушнинг Ёғни олинмайди

Солиқ назорати

Ёғ, ун каби озиқ-овқат махсулотларини кундалик ҳаётимизда қанчалик муҳим эканлиги ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Барча хонадонларда ҳар кунини ун, ёғ махсулотларига эҳтиёж сезилади. Шу боис ҳам ҳукуматимиз томонидан аҳолини ун, ёғ каби махсулотлар билан мунтазам равишда таъминлаш борасида Мустақилликнинг илк даврлариданоқ ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда.

Ўтказилаётган ислохотлар туғайли пахта ва ғалла хирмонлари йилдан-йилга сарбаланд бўлаётганлиги ҳам кишиларимизнинг тўқ ва фаровон яшашлари омилларидан биридир. Аммо баъзи бир устанонлар бу каби махсулотларни бозорларда ортиқча баҳоларда сотишдан уялишмаяпти.

Ҳўш, бунинг олдини олиш, белгиланган савдо шохобчаларида ун ва ёғнинг ўз баҳосида сотилишини таъминлаш борасида Давлат Солиқ инспекцияларида қандай ишлар аналга оширилмоқда? Шу ҳақда Хоразм вилояти Давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи Одилхон РУСТАМОВга бир неча саволлар билан муроса қилдик:



— Вилоят аҳолиси учун ун, ёғ каби кундалик зарур махсулотлар савдосини аналга оширадиган савдо шохобчалари ҳақида тўхталсангиз?

— Халқимизни бундай молларга бўлган талабини қондириш, айнакча, озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш борасида Юртбошимиз томонидан Мустақилликнинг илк кунлариданоқ катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, шу йилнинг 22 июлида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг 2007 йилнинг 23 июлидаги республика аҳолисини ўсимлик ёғи махсулотлари билан узлуксиз ва бир текис таъминлаш бўйича 4-24 44-сонли хатининг 2-илловасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари аниқланган ресурсларга қараб, "Улғуржисавдоинвест" уюшмасининг худудий озиқ-овқат базалари, "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси ва бошқа савдо ташкилотлари билан биргалиқда туман ва шаҳарлар аҳолиси сонидан келиб чиққан ҳолда аҳолини ўсимлик ёғи билан таъминлаш дислокациясини тасдиқладилар. Шунга кўра, чакана савдо ташкилотлари томонидан олинган ўсимлик ёғининг

билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

— Давлат Солиқ бошқармаси ва унинг қўйи тизимлари томонидан ана шу махсулотларнинг сотилиши қай тарзда назорат қилинмоқда?

— Ун ва ўсимлик ёғи махсулотларининг бозорларда, чакана савдо тармоқларида сотилишини таъминлаш борасида мониторинг тадбирлар ўтказиб бориш ноқонуний сотилишининг олдини олиш, доимий диққат марказимизда турган масалалардан. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида мазкур махсулотлар белгиланган тартибда ва нақд пул қондаларига риоя қилинган ҳолда сотилишини назорат қилиш юзасидан 27 та қисқа мuddатли текширишлар ўтказилиб, барчасида камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, 25 та ҳолатда назорат касса машинаси ўрнатмаслик ёки фойдаланмасдан, харидорларга хариди учун квитанция бермасдан фаолият юритиш, бир ҳолатда 270 килограмм, 78 минг сўмлик ун махсулотини, икки ҳолатда 31 килограмм, 52 минг сўмлик ўсимлик ёғини кириш ҳужжатларисиз сотувга чиқаришга йўл қўйилган. Ўтган 9 ой мобайнида 96 ҳолатда 3265 килограмм 7191 минг сўмлик ўсимлик ёғи ва бир ҳолатда 360 килограмм 113 минг сўмлик ун махсулотларини бозорларда белгиланмаган жойларда ноқонуний равишда сотиш ҳоллари аниқланиб, ҳужжатлаштирилди ва тўпналган маълумотлар шаҳар ва туман суд органларига қонуний чора кўриш учун юборилди. Жумладан, Қадамбой Рўзметов бошқараётган "Хива Саёд матлуботсавдо" марказига қарашли савдо шохобчасида ўтказилган текширишда аниқланишича, сотувчи 1212,40 сўмни назорат кассаси машинасига кириш қилмаган, бир

қоп унни 828 сўм ортиқча баҳода сотган.

— Қонунбузарларга нисбатан қандай чора ва тадбирлар кўрилмақда?

— Қонунбузарликлар бўйича 16 та хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 5961,6 минг сўмлик молиявий, 18 нафар шахсга 570,2 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар қўлланилди. 4 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бўйича маҳаллий ҳокимликларга тақдимома-лар киритилди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 11 та материал қонуний чора кўришлик учун юборилди. Урганч шаҳар Марказий Деҳқон бозориди 2007 йил 21 август кунини ўтказилган тадбирда Наврўз шаҳарасида яшовчи Санобар Жумабоева 110 литр, Шовот туман Қатқалъа қишлоғида Шомурод Худоев 130 литр ва хонқалик Мансур Шерматовлар 95 литр ёғ махсулотини ноқонуний сотётганида ҳодимларимиз томонидан қўлга туширилди.

— Айна кунларда аҳолини ёғ махсулотлари билан таъминлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида ана қандай ишлар аналга оширилмоқда?

— Аҳолини белгиланган тартибда ёғ махсулотлари билан таъминлашда йўл қўйилаётган ғиромликларнинг олдини олиш мақсадида вилоят худудини мақсадида вилоят худудини мақсадида ёғи ишлаб чиқарувчи қорхоналарга Давлат Солиқ органларининг маъсул ҳодимлари бириктирилиб, ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг аҳолига етказиб берилиши каттиқ назоратга олинган. Маҳалла йиғини вакиллари ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари" ҳодимлари билан биргалиқда доимий мониторинг тадбирлари ўтказилиб борилаётган. Ҳар бир савдо дўканига киритилган ўсимлик ёғининг сотилиши аҳоли фаоллари назоратида бўлиб, бу борада ноқонуний равишда қайта сотишга йўл қўймасликнинг қатъий чоралари қўрилмоқда.

Суҳбатдош: Холмурод ҚҲРБОНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Хоразм вилояти

## Норозиликка қарши норозилик

13 ноябрдан буйн давом этаётган Франциядаги транспортчилар иш ташлаши мамлакат аҳолисини ҳолдан тойдирмоқда.

Ўтган кунини 20 минг нафардан зиёд парижликлар иш ташловчиларга қарши норозилик намойиши уюштиришди. "Транспортлар ишга тушин" каби широрлар қўтариб олган намойишчилар иш ташловчиларни ўз вазифаларига қайтишлари ва ҳукумат бу муам-мону эздиклик билан ҳал этишини талаб қилишган. Президентнинг пенсия соҳасида жорий этган янги ислохотига норозилик билдирлаётган транспортчилар эса яқин кунларда ишга қайтмасликларини маълум қилишган. Францияда юзага келган транспорт тақчиллиги мамлакат иқтисодиётига жиддий зиён келтирмоқда.

## Ортиқча "юк" учун қўшимча тўлов

Австралия авиакомпаниялари ақин вақтлар ичида йўловчилар учун ортиқча вазн учун тўлов жорий этиши мумкин.



Мамлакат авиакомпаниялари йўловчиларнинг ўртача вазнини 70 килограмм деб белгиланган. Агар ушбу тадбир йўлга қўйилса, 70 килограммдан оғир одамлар қўшимча тўловни чипта олишлари тўғри келади. Ҳаво транспорт хизмати вакилларининг таъкидлашича, ҳаддан зиёд оғир йўловчилар эвазига мейёрдан кўп ёқилги ишлатилади.

Бундай тадбир илк бор 2004 йил АКШнинг Southwest Airlines томонидан қўлланилган эди. Бунга Шимолӣ Каролина штатида кичик самолётнинг йўловчилар оғирлиги ҳисобга олинмагани туғайли ҳалокатга учраши сабаб бўлганди.

## Парачинордаги тўқнашув

Покистоннинг Парачинор шаҳрида иш ва сунний маъзаби жамоаси ўртасида қуролли тўқнашув юз берди.



Мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадош бу худудда уч кун мобайнида давом этган тўқнашувлар оқибатида 91 нафар одам ҳалок бўлган. Уларнинг аксарияти тиғч аҳоли вакиллари эканлиги айтилмоқда. Ҳукумат назорати чегараланган шаҳарда бундай тўқнашувлар қўллаб ўзи беради. Шу йилнинг апрель ойида жамоалар орасидаги қуролли низо оқибатида 40 га яқин одам қурбон бўлган эди. Айна дамда Парачинор шаҳрида комендантлик соати жорий этилган.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

# "Фаллабанк": Нақд пулсиз ҳисоб-китоб

## мижозлар эътирофича, бу ҳар томонлама қулай

Бир танишимиз маош олган куни уни жамоат транспортда йўқотиб қўйибди. Уйга бўшашиб, ҳорғин қайтган танишимиз дастурхон бошида ҳаммасини айтиб берибди. Шунда унинг ўғли: "Пластик карточка олиш керак эди", деб қолибди. "Телевизорда кўравериш, ўрганиб олибди", дея ҳам қулиб, ҳам қуйиб гапирарди танишимиз. Бу гапни бир ҳазилга йўйиб ишонаверадиганлар бордир. Аммо бундай воқеалар тўғрисида биз ҳисоб-китобнинг қулай ва замонавий усули — пластик карточкалар хавфсиз эканлигини англаб бораемиз.



— пластик карточкалар хавфсиз эканлигини англаб бораемиз.

Республикамизнинг барча молия ташкилотлари қатори акциядорлик-тижорат "Фаллабанк" томонидан ҳам молиявий хизматнинг ушбу туридан кенг фойдаланиши йўлга қўйиш муҳим масала сифатида қаралаётган бўлиши мумкин. Шунинг билан қаралаётган бўлиши мумкин. Шунинг билан қаралаётган бўлиши мумкин. Шунинг билан қаралаётган бўлиши мумкин.

мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида бугунги кунда қўшимча 7 минг донга пластик карточка муомаласида чиқариш ҳамда 50 та терминалларни жойлаштириш устида амалий иш олиб бормоқда.

— Корхонамизга "Фаллабанк" томонидан "Иш ҳақи лойиҳаси" бўйича муомаласида чиқарилган пластик карточкалардан фойдаланиш бир қанча қулайликлар яратмоқда, — дейди "Фалла-Алтек" акциядорлик жамияти ҳисобчиси В.Л.Гайгурова. — Масалан, ишчи-ходимларнинг машиналари банкдан олиб келиш, сақлаш, ҳаражатлари ва уни тарқатишда кетадиган вақт тежалмоқда.

### Хизмат

Жамоамиз замонавий банк хизматидан фойдаланиш билан бирга ёнларида катта миқдорда нақд пул олиб юриш, уни сақлаш каби муаммолардан ҳоли бўлмоқдалар.

Бундан ташқари, карточкалардаги қолдиқ маблағлар учун банк томонидан йиллик 14 фоиз миқдорда даромад ҳисобланиши ишчи-хизматчиларимизнинг янада қизиқликлари ортирмоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг яна бир қулайлиги мижозлар савдо ва хизмат кўрсатиш шох-чаларида ўрнатилган ҳар қандай банк-караши терминаллар орқали савдоларни амалга ошириш, коммунал тўловлар ва шу каби хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Пластик карточкаларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими янада кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида мижоз ҳисобланадиган корхона ва ташкилотларга бир қанча қулайлик ва имтиёзлар берилаётган. Жумладан, Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ўтган йилнинг 1 октябрдан бошлаб хизмат кўрсатиш корхоналари учун пластик карточкалар қўланиш тўланган. Кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича даромад (фойда) солиғи, яғна солиқ тўлови ставкалари 10 фоизга пайсантирилди. Ушбу имтиёздан акциядорлик-тижорат "Фаллабанк" мижозлари ҳам самара

рали фойдаланмоқдалар. Хусусий тадбиркор Шароф Остонов банк мижози. Унинг савдо дўконига ўрнатилган терминалда йил бошидан буён 150 миллион сўмлик 18 мингдан кўпроқ транзакция амалга оширилган эди. Хусусий тадбиркор ажойиб имтиёзни қўлга киритди. Яъни, унинг савдо дўкони 28 миллион сўмликдан зиёд солиқ тўлови бўйича имтиёзга эга бўлди.

Сирасини айтганда, молия муассасаси ходимлари "Банк мижоз учун" ширини амалда қўлланмоқдалар. Бу банк мижозлари эътирофида ҳам ўз аксини топмоқда. Президентимизнинг "Нақд пул маблағларининг айланишини такомиллаштириш ва банкдан ташқари муомаласини қисқарттириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ўтган йилнинг 1 октябрдан бошлаб хизмат кўрсатиш корхоналари учун пластик карточкалар қўланиш тўланган. Кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича даромад (фойда) солиғи, яғна солиқ тўлови ставкалари 10 фоизга пайсантирилди. Ушбу имтиёздан акциядорлик-тижорат "Фаллабанк" мижозлари ҳам самара



Ханифа ШАМШИЕВА, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

сидати ҳамда "Банклардаги депозит ҳисоб-китобларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш қарорлари тўғрисида"ги тегишли қарорлари банк жамоасининг бу борадаги ишларида дастуриямал бўлаётган. Энг муҳими, қарорлар ижроси назорат олинган. Бу эса соҳа ривожига, асосий, мижозлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга замин вазифасини ўтайди.

Мамакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, тадбиркорларга яратилаётган шaroитлар, тадбиркорлар, ишлаб чиқаришда етакчи қўлга айланган фермерларга молиявий мадд бераётган "Фаллабанк" ва унинг жамоаси нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг замон талаби эканлигини бот-бот тақдирлашди. Шу мақсадда фаолиятда қўлланаётган пластик карточкалар эмиссия сонининг тобора ошиши банкдаги пул айланишларининг тез суръатларда ўсиб боришини таъминлаб бермоқда.

Ханифа ШАМШИЕВА, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

# "Агрофирма яқин ҳамкоримиз"

дейишмоқда Бухоро тумани Саховат қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият кўрсатаётган узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган фермерлар

— "Саховат узум меваси" агрофирмаси билан икки йилдан буён ҳамкорлик қиламан, — дейди "Файзулло Файзулло Нозигул" номли фермер ҳўжалиги раҳбари Шайхмуродов.

### ИСЛОҲОТ

Агрофирма ташаббуси билан ҳудудда минерал ва кимёвий ўғитлар сотиладиган савдо дўкони ишга туширилди. «Ипотека банк»и шох-босчаси ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, узум ва бошқа меваларнинг зараркунадаларига қарши биологик усулда кураш олиб бориш мақсадида махсус биологаторияни жиҳозлаб келгуси мавсумда ишга тушириш ҳам режалаштирилган.

лот етказиб бериш юзасидан шартнома имзолаган эди. Фермернинг таъкидлашича, йил бошида унинг ҳисоб-китобига 3 миллион сўм атрофида маблағ пули кўчириб берилган. Бу маблағ мулкдорга махсус етиштиришда ниҳоятда қўл келди.

"Насрулло Сардор", "Жасмина фазили" фермер ҳўжаликлари раҳбарлари Комила Нуруллоева ва Меҳри Рамазонова ҳам агрофирма фаолияти ҳақида илқ фикрлар билдирмоқда.

Хамроз АЛИ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Бухоро вилояти.

# Кредит — халққа, бўш пул — банкка

Наманганликлар азал-азалдан тадбиркорлиги хунармандчилик билан доғрув қозонишган. Озгина сармоя жамғарган инсон борки, бу ерда тадбиркорликнинг, ишбилармонликнинг эътибори тутади. Бу орқали, аввало, ўзига, қолаверса, маҳалласига наф келтиради. Вилоятда, айниқса, кейинги йилларда тадбиркорларнинг, кичик бизнес соҳибларининг сафи янада кенгайиб бораётган. Бунинг натижасида вилоятда ш билан таъминланган ҳам кўпаймоқда. Бунинг омиллари кўп. Яъни мамлакатимизда кенжа молиявий муассасаларда ҳисобланмиш акциядорлик-тижорат банк — "Микрокредитбанк" ўз фаолиятини бошлаганидан сўнг бу борадаги ишлар янада жонланди.



МИКРОКРЕДИТБАНК

Буни қўйидаги мисоллар ҳам далиллайди. Зеро, ушбу банкнинг Наманган вилояти филиали тизимидаги барча бўлимлари, миншохобчалари мамлакатимиз Президентининг Фармон ва қарорлари ижросини изчил амалга ошириб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 10 ойига 17876 миллион сўм нақд пул тушуми белгиланган эди. Ҳақиқатда эса бу рақам шу вақт ичида 20516,3 миллион сўмни ташкил этди.

Шунингдек, маъмур молиявий муассасаси кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини ва касаначиликни фаолиятлаштиришга қўллаб маблағлар ажратиш келмоқда. Яъни, аҳолининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлиши учун ҳамма 3273 та хўжалик субъектларида 3870,2 миллион сўм микрокредит ажратилди. Шунинг 2126,3 миллион сўми бошланғич сармояни шакллантиришга, 1431,1 миллион сўми бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни тўдиришга, 285,3 миллион сўми микролизинг хизматларига йўналтирилди. Мана шундай омиллар тўғрисида виллоятда сўнгги бир йил ичида 3788 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Мингбулок тумани Гулбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Дилбар Саидова ҳам шу банкнинг кичик сармояси эвазига тадбиркорлики амалга ошираётган инсонлардан. Д.Саидова банкдан олган 800 минг сўмга "Севинч Олдамашева" хусусий корхонани ташкил қилди. Ҳозирги пайтда ушбу корхонада ишлаётган 3 нафар чеварлар томонидан тай-

дид олганди. Ҳозирги кунда фермер ҳўжалигининг иссоқнасида етиштирилаётган махсуслотлар туман аҳли дастурхонига етиб борган.

Маълумки, жорий йилнинг 21 майда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори амалга етказиб қўйилди. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, маъмур қарорнинг ижроси банклар зим-

### ҚАРОР ВА ИЖРО

мол товарлари билан таъминлаш мақсадида ҳам салмоқли сармоялар ажратилди. — дейди биз билан суҳбатда "Микрокредитбанк"нинг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи М.Акрамшоев. — Йил бошидан буён 300 та оила 230,8 миллион сўмлик кредит олди. Шундан 137 таси ёш оила ҳисобланади.

Демак, шунча оила бизнинг банкимиз кредитлари ҳисобига ўзлари учун зарурий махсуслотларни харид қилишга ва фойдаланишмоқда. Ҳозирги кунда банкимизга аҳоли томонидан қўйилаётган бўш пул маблағлари ҳам анчани ташкил қилади. Биргина мисол келтирадиган бўлсак, шу йил бошида улар сон 1308 нафардан иборат бўлган бўлса, йил охирида бу рақам яна 408 нафрга ортди.


Бу, албатта, сўнгги йилларда мамлакатимизда молиявий муассасаларга яратилаётган имкониятлар тўғрисидаги уларнинг халқ ичига қилиб бораётганидан ва ўз наъбатида аҳолининг банкларга бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан далolatдор. Зеро, бугун бу ҳолат маъмур банкнинг широгига айланган. Энг муҳими, ана шу таъминловчи устувор қўйилаётган бундай ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилиши шуб-



ерланган кийим-кечак рўзгорбор махсуслотлар аллақачон харидорини топиб улгурган.

Наманган ва Чуст дўпчилари азал-азалдан маълуми машҳур. Бу ерда тикилган дўпчиларга нафақат республикамизда, балки хориж мамлакатларида ҳам харидор бисёр. Чуст тумани Кўприқварзин маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Дилрабо Сулаймонова ажодлари анъанасини давом эттиришни ниҳат қилди ва айни пайтда ўз уйда дўпчи тикиши сирларини қўни-қўшни, опа-сингилларга ўргатиб келмоқда. Унинг ҳам иш бошлашига дастлабки 300 000 сўмлик сармояни банкнинг туман бўлими берди. Ҳозир Дилрабонинг ишлари юришган. Дўпчилик сирларини ўрганаман, ҳунарманд бўламан, деган қиз-жувонлар унинг хонадонига тез-тез ташриф буюриб туришадди.

Тўрақўрган тумани Калвак маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi М.Фозилов фермер ҳўжалиги ҳам жорий йилнинг май ойида банкнинг туман бўлимида беш миллион сўм кре-



масига ҳам талайгина масъулиятни вазифаларни юклади. Шу боис, айни пайтда молиявий муассасалар ушбу соҳага ҳам жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, сўз юртилаётган Наманган вилояти филиали томонидан 2007 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, 210,7 миллион сўм миқдорда микрокредит ажратилган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда раҳбарнинг "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бора-сида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юзасидан ҳам талайгина ишлар олиб боришмоқда. Яъни, ёш оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 625,9 миллион сўмлик кредит йўналтирилган.

— Шу билан бир қаторда виллоятимизда оилаларни истеъ-

ҳасиз. Биз бунга банк фаолияти билан танишув ҳамда мижозлар билан суҳбат мубайнада яна бир бор амин бўлдик.

Абдураззоқ ҚАРИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Наманган вилояти

# Аҳилликда ҳикмат кўп

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти Давлат солиқ идоралари ходимларининг наъбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда виллоят туманлари ва Термиз шаҳар солиқ идоралари ходимларидан ташқари айрим қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оммавий ахборот воситалари органлари вакиллари иштирок этишди.

Анқуманда участка Давлат солиқ идоралари томонидан маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловларни ундириш аҳоли, юзага келаятган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бораида маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идоралари ва оммавий ахборот воситалари органлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар яқунлари тўғрисида маъруза қилинди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларининг маҳаллий солиқлар, тушумлар ва тўловларни йиғишида солиқ идоралари ходимларига кўрсатилаётган амалий ёрдамларнинг самарали натижалари ва бой тажрибалари хусусида ҳам гапириб ўтилди.

Йиғилишда ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликда маҳаллий солиқлар ва тўловларни йиғиш бораида эришилган катта муваффақиятлари учун участка давлат солиқ инспекторлари, қишлоқ ва маҳалла йиғинлари раислари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан айримлари эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Омон ШУКУРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сурхондарё вилояти

# Риштон пахта заводи ОАЖ: Иш ҳажми икки барабар кўпайди

шунга мутаносиб равишда масъулият ва даромад ҳам ошди

Риштон пахта тазалаш заводини айланар экансиз, у ерда амалга оширилаётган ишлар кўламини сезини қувонтиради. Қўш дарвозанинг бир тарафидан пахта толаси тойлари орттилган автоуловлар карвони манзил сари йўл оллоқда. Иккинчи бир эшикдан эса хом ашё тайёрлаш шох-босчасидан пахта ортилган тиркамани тортиб келаятган трактор корхона ҳудудига кириб келади. Назорат тарозисидан ўтказилган пахта қайта ишлаш цехи томон йўналтирилади.

— Заводимизнинг лойиҳа қуввати 39 минг 700 тонна пахта қайта ишлашга мўлжалланган, — дейди корхонанинг режа-иқтисод бўлими бошлиғи Ҳамдамжон Тўйчиев. — Ўтган йили корхонамиз Риштон тумани пахта далаларида етиштирилган 20 минг 636 тонна пахта ҳосилини қайта ишлаб, турли санoат корхоналарига етказиб берди. Режада-

ги 8 миллиард 30,7 миллион ўрнига 8 миллиард 228,4 миллион сўмлик товар-махсуслот ишлаб чиқаришга эришилди. Яъни, 6 757 тонна сифатли тола ишлаб чиқарилди, режадагидан 185 тонна ортқ тола санoат корхоналарига жўнатилди. Натижада, корхонамизнинг ҳисоб-рақамига 93,1 миллион сўм соф даромад келиб тушди.

— Даромаднинг асосий қисми жамоа аъзоларимизни ижтимоий ҳимоя қилишга, маънавий-маданий тадбирларни ўтказишга сарфланмоқда, — дейди жамият раиси Машрабжон Қозиқонов. — 2006 йилда 65 миллион, жорий йилнинг 9 ойида 52 миллион сўм ишчи-хизматчиларга дивидент тўлаш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишчи-хизматчиларни дам олдириш, соғлиқларини тиклаш ва дори-дармонлар сотиб олишга сарфланди.

Маълумки, жорий йилда "Ўзпахтасаноат" тармоғида ўтказилаётган ислохотлар ҳараёнида Фарғона ви-



лоятдаги баъзи турдош корхоналар тугатилиб, бошқасига қўшиб юборилди. Фарғона шаҳридаги Бешбола пахта тазалаш заводи тугатилиши ҳисобига Фарғона туманида етиштирилган ҳосил ҳам Риштон пахта тазалаш заводи оқиқ акциядорлик жамиятига топширилди.

— Жорий йил пахта ҳосили учун Риштон туманида фаолият кўрсатаётган 638 та фермер ҳўжалиги билан 25 минг 539 тонна, Фарғона туманидаги 661 та фермер ҳўжаликлари билан эса 18562 тонна пахта

етиштириб бериш бўйича шартномалар имзоланган эди, — дейди Ҳамдамжон Тўйчиев. — Бу шартномалар асосан бажарилди. Демак, иш кўлами ўтган йилга нисбатан икки ҳиссага ортди. Бу бизнинг зиммасимизга катта масъулият ҳиссини юклади.

Жами 584 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган маъмур корхона таркибидега ўтган йили уруғлик заводи қурилиши бошланган эди. У қисқа муддатда, юқори сифат билан қуриб битказилди. Маъмур қурилишига "Ўзпахтасаноат" уюмаси томонидан 1 миллиард 90 миллион сўм маблағ ажратилганлиги айни мўддоа бўлди. Заводнинг ишга туширилиши бир тарафдан туб аҳолини янги ишчи ўринлари билан таъминласа, иккинчи жиҳатдан Кува, Фарғона, Тошлоқ, Охунбобоев, Олтиарик, Езёвон, Риштон туманлари, қолаверса бутун виллоят фермер ҳўжалиklarининг туқсиз уруғликка бўлган талабининг қондиради. Корхонанинг чигитни туқсизлантирадиган ва дорилайдиган қурилмалари Испаниядан келтирилган бўлиб, у "ЮБЕС" технологияси асосида ишлайди.

Мустақилликнинг 16 йиллик байрами арафасида Риштон пахта тазалаш заводи акциядорлик жамияти ишчиси Абдусалом Орипов Президентимиз Фармонига кўра, кўпгина меҳнат жонқуярлари қаторида "Шухрат" медали билан мукофотланди. Бу рағбат корхонанинг тола ажратувчиси Содикжон Исоқов, Абдухамид Абдуқодиров ва бошқа кўплаб ишчиларини ҳам янада унумли, сифатли меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Корхонада иш ҳажми икки барабар кўпайганлиги, шунга мутаносиб равишда масъулият ва даромад ошганлиги жамоани янги-янги меҳнат ютуқларини қўлга киритишга ундамоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Фарғона вилояти

### Хабарлар

#### "Давлат"нинг иссиқхонаси

Кегайли туманидаги пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган йирик "Давлат" фермер ҳўжалигида иссиқхона ташкил этилди.

Фермерга Асака банки туридан бўлимидан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олганлиги қўл келди. Айни пайтда 20 сотих маддонни эгаллаган иссиқхонада помидор ниқоллари қийнақ гуллаб турибди.

— Йилни муваффақиятли яқунлаямиз, — дея таъкидлайди "Давлат" фермер ҳўжалиги раҳбари Уткир Нурумбеов. — Мавжуд 170 гектардаги пахтазорлардан шартномаги 243 тонна ўрнига салкам 500 тонна юқори сифатли хом ашё сотдик. Даромадимиз режадагидан икки ҳисса кўп бўлиши кутиляпти. Насиб қилса, овулдошларимиздан кўмакка муҳтожларига иқтисодий ёрдам беришни ҳам ниҳат қилганмиз. Фаллачиликда ҳам ютуқларимиз чакки бўлмади: 50 гектардан 2003 тонна ҳосил олдик. Бу йил эса 70 гектарга кузги бугдой сепдик.

### Тапабаларга туҳфа

Чимбой шаҳридаги Педагогика коллежи талабалари бинокорлардан ажойиб туҳфа олди.

Тумандаги 386-кўча механизациялашган жамланма қурувчи — акциядорлари ўқув юрти учун 1500 ўринли ўқув корпуси, ўнлаб лабораториялар, ошхона, спорт залини бунёд этиб, тантанали вазиятда фойдаланишга топширишди. Қурилиш ишларининг ўз вақтида, сифатли тамомланиши учун бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Айни кунларда, Эллиқалъа туманидаги Сарийиб қишлоқ коллежи қурилиши ҳам поёнига етаяпти. Эндиликда Қорақалпоғистон Республикасидаги 85 та академик лицейлар ва коллежларнинг деярли барчаси ўқув ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи ҳўжаликлари учун махсус иморатларига эга бўлади. Бу эса талаба йиғит-қизларнинг чўқур билим ва касб сирларини эгаллашларига пухта замин яратди.

А. ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси



Қорақалпоғистон Республикаси

# Қизилтепа йўлсозлари

Қизилтепа тумани йўл ҳўжалиги пудрат — таъмирлаш корхонасида бугунги кунда юз эллик нафар киши меҳнат қилади.

Жамоага бириктирилган 506 километр узунликдаги йўллар қиши мавсумга шай холга келтирилди. Уртақул, Қизилтепа, Ванғози, Азизобод ва Қизилтепа, Бўстон йўналишидаги йўлларда мавжуд 87 та кўприк ва қадриятлардаги махсус жойларга 300 тонна кўм чиқарилди. Уртақул ва Бўстон кўриғидаги йўлчилар уйлари таъмирланиб, дам олиш хоналари қайтадан созилди. Корхона касаначилари томонидан тайёрланган иссиқ кийимлар ишчилар учун ҳозирлаб қўйилди.

Баҳриддин САДРИДИНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Навоий вилояти

## МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

### МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақлиф этади.

Манилимиз: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11.

Тел: 281-40-33, 281-40-90, 281-40-75

# Бебаҳо неъматнинг ёши нечада?

Нон — ризқ-рўзимиз. Фақатгина ноннинг ўзи билан тирикчилик қилмасак-да, унинг ҳеч қандай овқат татимаслиги ҳаммага аён. Биз мана шу азият ва бебаҳо неъматни авайлаймиз, кўзимизга сурамиз. Лекин биз нон ҳақида, унинг ўтмиши ҳақида етарли маълумотларга эгамизми?

Ҳўш, ноннинг ёши нечада? Олимлар 15000 йилга боради, дейишади. Бундан 150 аср муқаддам бошоғи билан қовурилган донлар, тош орасида янчилган ва сувда қайнатилган ёрмалар нон ўрнида истеъмол қилинган.

топилган бўлса нон сақланади ва бу энг "қадимги" нон ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ана шу нон бундан 6000 йил муқаддам пиширилган экан. Нью-Йорк музейларидан бирида юмалоқ-ясси лаваш нони сақланган. Тарихий нонлар орасида бу энг "ёши" ҳисобланиб, тайёрланганига бор-йўғи 3400 йил бўлган экан.

Оширилган хамирдан нон ёпишни греклар мисрликлардан ўрганиб олишган. Бу ханка нон тайёрлаш учун зарур бўлган қилиб грекчасига "қлибос" деб аталган, "қлиб" сўзи ана шундан олинган экан.

Эрамаздан олдинги 776 йилда Грецияда дастлабки Олимпия ўйинлари бошланганида ташриф буюрган иштирокчиларни меҳмон қилиш учун таниқ таом тайёрланади, бу — бўрсилдоқ қилиб пиширилган оппоқ бўлса нон эди.

Юқорида айтганимиздек, ичлари говак, бўрсилдоқ бундай нон қадимги Римда энг бебаҳо неъмат ҳисобланган. Шунинг учун ноннинг қўлаб хилини ёпишни кашф қилган уста новвойлардан бири Марк Вергилийга Эврисак майдонида бундан 2000 йил муқаддам 13 метрлик ҳайкал ўрнатилган бўлиб, бу тарихий обидида ханузгача сақланган. Уша пайтларда у орда очилган катта новвойналар бутун бошли Рим халқини нон билан таъминлаб турган.

### Бу қизиқ!



Бундан 5000-6000 йил аввал Қадимги Мисрда нон пиширишнинг янги даври бошлангани Миср фиръавналаридан бирининг мақбарасига нон тайёрлашнинг — дон йиғишдан ун қилишгача ва хамир қоришдан ёпишгача бўлган жараёнларнинг чизилган суратидан билса бўлади. Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги музейда сувиб кетган бир қўлнинг остидан

Б.СУЛТОНОВА тайёрлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ер юзининг муз билан қопланган қутб ўлкаларида бошқа барча ерларида қалдирғочнинг 79 тури, жарқалдирғочнинг 86 тури яшайди. Ўзбекистонимизда қалдирғочлардан: қишлоқ қалдирғочи, туя қалдирғочи, шаҳар қалдирғочи ва сув қалдирғочи учрайди.

Ушбу нозик қўшнинг бургут билан жангини томоша қилганмисиз? Мен кўрганман. Бу юқоқ Американинг Глен Плей шаҳри осмонида юз берган

# Кел, қалдирғоч, кутаман сени

ди. Уша куни осмон бегубор, 5-6 та бургутлар учиб юришарди. Бургутлардан бири қалдирғочнинг полапонларини безовта қилган бўлса керак, унинг тепасида бир қалдирғоч бетиним айланган, бошини чўқилар ва зудлик билан тепага кўтарилади, яна шўнгиб, бургутнинг бошини тинмай чўқилар эди. Бургут қалдирғочнинг ҳужумига умуман жавоб беролмас ва шу билан бирга ўзини қаерга қўйишни ҳам билмасди. Бургутнинг гавдаси катта бўлгани учун ҳам қалдирғочнинг орқасидан тепага қувиб чиқиш даражасида эгчиллиги йўқ эди. Ниҳоят, бургут тезлик билан пастга шўнгиб, қалдирғочдан қочиб қутулиш йўлини топти...

Калдирғочларнинг полапонларини парвариш қилишни кузатиб, кўп хайратли ҳолларни кўрдим. Эсимда қолгани, улар доимо полапонларнинг тагини тозалаб, ҳар хил чиққиларни ташқарига олиб чиқиб ташлашар, иложи борица ўз инларини қуришадиган бўлиши, ушбу йиларни таъмирдан чиққан-чиқмаганлигини эътиборга олишаркан. Одамлар ўз йиларини таъмирлаш борасида қалдирғочларнинг инларини бузиб юборишлари бунга сабаб бўлган бўлса керак.

Калдирғочлар ўз полапонларини фақатгина овқат ва сув билангина таъминлашадиган, уларга учини ҳам ўргатишганининг гувоҳи бўлдим. Бир бир қалдирғоч боласи ўзининг учирма учирари билан бир пайт ўша катта қалдирғоч "қани кетимдан уч", дегандек ишора қилиб, қаноти билан полапонни бир туртиб ўтиб кетувди, полапон сўри симини чағалидан қўйиб юбормай, боши ерга қараганча осилиб қолди. Бир оздан сўнг симини чағалидан бўшатди, онаси кетидан учиб кетди.

Улар инларини ташлаб чиқиб кетишган бир ой ўтиб, ҳовлимиздаги ток сўрига ўнча қалдирғочлар келиб қўнишди. Улар бирмуна вақт нималарнидир ўзаро фикрлашган кетма-кет қалдирғоч инни турган хонага учиб киришди. Хона қалдирғочга тўлиб кетди. Ҳамма қалдирғочлар бирваракайига хонанинг ҳеч қаерига қўнмасдан, ичини уч-турт мартаба айланган, гўё кўнгилиларидаги барча эзгу тилакларини, миннатдорчиликларини изхор қилиб, узоқ-узоқларга, жануб томонга учиб кетишди.

Мансурхон ТОИРОВ

**Атеросклероз артерия қон томирларининг торайиши ва уларнинг фаолиятида секинлик билан кечадиган сунуқли хасталик. Азволари меърида қон билан таъминлаб келаётган артерия қон томирларида бўтқасимон қон қуйқалари йиғилиши туфайли, қон оқими етмишга қолади.**

Томирларнинг атеросклерозга йўлқан қисмида чандикли тўқима ҳужайралари ва толалари билан бирга холесте-

## Атеросклероздан ҳадикдамсиз...

рин моддаси атеросклероз содир бўлишига сабабчи бўлади. Холестерин бош мия, буйрак усти безларида салмоқли микдорда ишлаб чиқарилади ва бу модда инсон организмдаги аксарият ҳужайра пардалари таркибига киради. Холестерин моддаси томир деворларига осон кириш хусусиятига эга.

Атеросклерознинг содир бўлиши қон босимини ошириши, яъни ҳафаконга олиб келади. Атеросклероз асоратидан қон бош мия ва бошқа аъзоларнинг қон билан таъминланиши ишдан чиқади. Қонир ва хавфли хасталиқлар бўлиши қанди диабет, бош мия томирларида атеросклеротик ўзгаришлар пўртонасида қон айланишининг ўткир бўлиши — инсульт содир бўлиши мумкин.

### Билиб қўйган яхши

Қон таркибида ёғлар ва ёғсимон моддалар микдорининг кўпайиши, одам вазинининг ортиб кетишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, атеросклерозга олиб келувчи катламлар сўрилишини қийинлаштиради ва шу аснода қуйқаларнинг йиғилишига замин яратлади.

Юрак мушакларини қон би-

ҳаракат қилинмоғи даркор.

\* Тайёрланадиган таом таркибидаги гўшт молнинг ёғсиз жойидан олинган бўлиши керак. Балиқ гўшидан ҳафта-сига 1-2 марта истеъмол қилган яхши.

\* Холестеринга бой бўлган маҳсулотларни, жумладан жигар, буйрак, мия, юрак каби гўшт маҳсулотларидан тийилган маъқул. Бироқ ойига бир марта таомингиз таркибидида 85 грамм атрофида жигар бўлиши ҳам фойдадан холи эмас. Чунки унинг таркибидида ҳаёт учун зарур бўлган дармдорилари ҳамда темир унсори кўп бўлади.

\* Оқ кўринишдаги гўшларни, жумладан товуқ гўшти, қурқанинг кўрак гўштининг истеъмол қилишига ҳаракат қилинган. Ҳоз ва ўрдақ гўшлари бундан мустасно.

\* Мумкин қадар сосиска, қолбаса, қази каби маҳсулотлардан камроқ истеъмол қилишга ҳаракат қилинмоғи даркор.

\* Тухум истеъмоли ҳафта-сига 3-4 тадан ошмаслиги лозим.

\* Таомлар, салатлар фақат ўсимлик мойи асосида тайёрланганига маъқул қўрилади. Чунки ўсимлик мойларида холестерин микдори жуда кам бўлади.

**Маннон НАБИЕВ, дориншунс олим. Асқар СОДИҚОВ, тиббиёт фанлари доктори.**

## Қайноқ юлдузлар

\* Куйш сиртидаги ҳарорат олти минг даража бўлса, унинг марказида, яъни ядросидаги иссиқлик 15 миллиард даражага етади.

\* Куйш тизими ўз орбитаси бўйлаб ҳар соғияда 250 километрга яқин тезлик билан Галактика маркази атрофида айланиб юради. У Галактикамиз маркази атрофидаги масофани тахминан 230 миллион йилда айланиб ўтади.

\* Қайноқ юлдузлар оқши ёки қизил тусда бўлади. Уларнинг сиртидаги ҳарорат 10 мингдан 100 минг даражага етади.

\* Ерлик нури сонисига уч юз минг километр тезликда тарқалади.

\* Куйшга энг яқин сайёра Меркурий бўлиб, катта тезликда ҳаракатланади.

\* Ой сатҳида ҳарорат кўнгузлари 130 даражагача кўтарилиб, тунда эса 170 даражагача совибди.

\* Куйшнинг қўндаланг кесими ўлчами заминимизникидан 109 марта каттароқ.

\* Марс сайёраси Куйш атрофида 687 ер куниди бир марта айланиб чиқади.

**С.СИРОЖИДИНОВ тайёрлади.**



## Ўзбекистон финалда

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтаётган ногирон-ампутантлар ўртасидаги 7-Жаҳон чемпионатида 17 ноябрь кунини 5-тур учрашувлари билан гуруҳ баҳсларига яқун ясалган бўлса, яқшаба кунини чорак финалда иштирок этувчи 4 жамоа номи маълум бўлди.

Гуруҳнинг сўнгги учрашувида Украина билан куч синашган Ўзбекистон терма жамоаси 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, гуруҳда 100 фоизлик натижа билан 1-ўринни кўлга киритди. Чорак финал учрашувида эса вакилларимиз "А" гуруҳида 4-ўринни эгаллаган Либерия терма жамоасини 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финал йўлланмасини кўлга киритди.

Терма жамоамизнинг ярим финалдаги рақиби майдон эгалари — Туркия терма жамоаси бўлди. Мазкур жамоаларнинг ярим финалдаги учрашувида юртдошларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Шундай қилиб, бугун Ўзбекистон терма жамоаси Россия билан финалда куч синашади.

## Иштирокчилар аниқланмоқда

2008 йили Швейцария ва Австрия яшил майдонларида ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионати иштирокчилари номи аниқланмоқда. Утган дам олинган кунини "Кўнча китъа"да саралаш ўйинларининг навбатдаги тур баҳслари ўтказилди.

Барчанинг эътибори "В" ҳамда "Е" гуруҳларига қаратилади, десак муболага бўлмайди. "Улим гуруҳи" сифатида қаралган "В" гуруҳида тахминан ўзини оқлади. Сўнгги жаҳон чемпионати финалида рубаруб келган Италия ва Франция мuddатидан олдин Европа биринчилиги йўлланмасига эга бўлишди. Шотландияга қарши меҳмонда тўп турган Италия терма жамоасини дундан натижа ҳам қаноатлантирарди. Аммо Роберто Донадони шоғирдлари саралаш баҳсларидаги энг мазмунли ўйинини кўрсатиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Лука Тони ва Кристиан Пануччи голлари нафақат Италияни, балки Францияни ҳам чемпионат иштирокчиси бўлишини таъминлади.

"Е" гуруҳида Россия терма жамоасининг тақдирини ўз қўлида эди. Бироқ Исроилга қарши кечган ўйинда мағлубиятга учраган Гуус Хиндрик жамоаси йўлланмадан деярли умидини узди.

Ҳозиргача чемпионатнинг 12 та иштирокчиси маълум. Булар — Швейцария, Австрия, Польша, Италия, Франция, Греция, Германия, Чехия, Хорватия, Испания, Руминия, Голландия.

## Чемпионлик камари ўзида қолди

Профессионал боксининг биринчи енгил вазида WBO йўналиши чемпиони Хоан Гузман ўз унвонини мексикалик Умберто Сотодан ҳимоя қилди. Жанг юқори суръатда ўтди.

Ҳар иккала боксчи беллашуви мuddатидан олдин яқунлашга ҳаракат қилди. Айниқса, камар соҳиб-би Хоан рақибига аниқ зарбалар бериш борасида пешқадим бўлди. Унинг 302 зарбасига Умберто Сотто 192 та зарба билан жавоб беролди. Сўнгги раундларда устунлик Хоан Гузман тарафида бўлган эса-да, жанг барибир тўлиқ 12 раунд ўтказилди. Ҳакамларнинг ҳулосасига кўра, яъни 118-110 ва икки мартаба 117-111 натижалари билан чемпион WBO камарини ўзида сақлаб қолди. Хоан Гузман бу ғалабадан сўнг филиппинлик машҳур Мэнни Пақьяо билан жанг ўтказишни режалаштириб қўйди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ куйидаги автомобилларни таклиф этади.

Optima, Carens, Sportage, Cerato

Барча бож тўловлари ҳисоби билан

Тошкент шаҳри, Х.Абдуллаев кўчаси, 54А, Шулкал: метронинг Буюк Илак йўли бекети. Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www.kiamotors.com

## Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг акцияларини харид қилиб, мулкдор бўлинг ҳамда даромад манбаидан фойдаланинг!

"Пахта Банк" акциялари "Тошкент" Республика фонд биржасининг "А" тоифадаги расмий листингига киритилган бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.

"Пахта Банк" акцияларини "Тошкент" Республика фонд биржасида, шунингдек, "Пахта Банк"нинг исталган филиалидан харид қилишингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солиқидан озод қилинади.

Шу билан бирга, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтиради.

**Имкониятни қўлдан бой берманг!**

Қўшимча маълумот учун 150-53-66 телефон рақамига қўнғироқ қилинг.

**"Пахта Банк" — фаровонлигингиз калитидир!**

## АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт — 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фурунлар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади.

**Ҳақ тўлаш исталган усулда!**

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

<b>Бош муҳаррир</b> Чори ЛАТИПОВ	<b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Саид АҲМАД, Ҳатмат БАРНОЕВ, Агитай АДИЛОВ, Ҳткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ	<b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазириликлар ва идоралар	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона — 136-58-83, Ҳатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-54-44, 133-28-04, Котибият — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-09-97	<b>ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАР:</b> Корақалпоғистон Республикаси — 585-12-17, 223-57-53; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 265-78-52; Навоий — 224-69-08; Наманган — 412-34-23; Фарғона — 224-81-69; Самарқанд — 222-29-97; Сурхондарё — 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё — 372-38-13; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 726-35-81; Қашқадарё — 227-65-42.	Реклама ва эълонлар матнини учун буюртмачи жавобгар -тижорат мақола	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
-------------------------------------	---	--	---	---	--	---

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1017, ҳажми 2 босма табоқ, қороз бичими А-2.

Офсет усулида босилди, Босишга топширилди: 21.00 Босишга топширилди: 23.45 Адади — 13166

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6